

## Мусхаф муборак!



05:48 / 05.07.2018 4268

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мана бизнинг юртимизда ҳам Қуръони каримни нашрдан чиқариш ишлари йўлга қўйилди. Албатта бу мамалакатимизда диний соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг яққол намунаси десак, муболаға бўлмайди. Хабарингиз бор март ойида Мусхафи шарифнинг дастлабки нусхалари нашр этилиб юртдошларимизга етказилган эди. Бугун эса Каломуллоҳнинг навбатдаги 10 минг нусхаси яна “HILOL NASHR” нашриёт-матбаа корхонаси томонидан босилиб, юртдошларимизга ҳавола этилмоқда.

Қуръони Карим китоби “HILOL NASHR” нашриёт-матбааси томонидан “Дорус-салом” нашриётининг расмий рухсати билан аслий нусхаси асосида, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида чоп этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Мусхафни 50 минг нусхада чоп этишга рухсат берган. Дастлабки нашр қилинган 10 минг нусха китоб нашриётнинг 7 та дўкони, шунингдек, ҳудудлардаги ҳамкор китоб дўконларига белгиланган ягона нархи – 31 минг сўмдан сотиш шarti билан тарқатилди ва сотувга чиққан кундаёқ сотиб тугатилган эди.

Бугун эрта тонгдан “HILOL NASHR” нашриёт-матбаа босмахонаси олдида яна одамлар гавжум. Энг қувонарлиси Қуръони каримнинг нархи ўзгармаган ҳолда сотилмоқда. Аллоҳ таъоло навбатдаги Мусҳафи шарифни барча юртдошларимзга муборак қилсин!

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown






Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown






Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



“HILOL NASHR”